

**№ 1916830989 - сон**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Кибрай тумани

28.01.2022 йил

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “27”январдаги №27-01-14/6025 от 30.12.2021г.-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи ТОШКЕНТ филиали директори Ш.С.Бакиров (кейинги ўринларда – Оператор) (Кибрай ТБ бошлиги Ж.М.Собиров) бир томондан ва “28-сон БМСМ” номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ф.Тоҳтаев -(кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйдагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 ( бир юз ) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий “28”012022 дан 31.12.2022 гача миқдори 2880000, (Икки миллион саккиз юз саксон минг сум 00 тийин) сўмни ташкил этади.

Шу жумладан 240000 (Икки юз кирк минг сум 00 тийин) сўм миқдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичада ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг

Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тұхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тұхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тұланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тұланмайди ёки қайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тұлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнода Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища Узбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза эътиrozнома шикоят тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равиша хабардор килинади.

#### 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттиrsa ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганлиги ҳакидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартирнишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<p>“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ Тошкент филиали Кибрай туман ТБ Манзил: Ташкент вил. Нурафшон кўч. Бобур 84 уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000304074838236;</p> <p>СТИР: 203366731;</p> <p>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”</p> <p>Тел: 71 900 00 01;</p> <p>Оператор номидан:  Ж.М. Собиров /имзо/ м.у.</p>	<p>Манзил: <b>20 СОН БОЛАЛАР МУСИКА САНЪАТ МАКТАБИ</b> Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Ёнарик ШФЙ <b>ШИВ 400622860272487096600056005</b> <b>СТИР 207 063 900 ОКОНХ 92310</b> <b>ОКЭД 85310 СООГУ 05684</b> <b>Магия вазирлиги газначилиги</b> <b>Х/Р 2340 2000 3001 0000 1010</b> Марказий банк Тошкент шахар Б.Б. ХККМ <b>МФО 00014 СТИРи 201 122 919</b></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: СТИР: МФО: Банк номи: Тел: E-mail:</p> <p>Абонент номидан:  Ф. Тоҳтаев /имзо/ м.у.</p>



Бажарди: М.Шарипова  
Тел: 99-302-90-01

28.01.2022 йилдаги

№ 1916830989 - сонли абонент шартномасига

1- илова

**Кўрсатиладиган хизматлар****1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар****Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)**

т/р	Хизматлар номи	КҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% КҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	Нархнома	-	-
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	“Corporate-1” тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 100 Мб/с тезликда уланиш, соат 19:00дан 00:00 гача Интернет тармоғига 25 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш	240 000	Нархнома	1	240000
Жами (олдиндан тўлов)					240000


**ОПЕРАТОР:**  
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ

Тошкент филиали

Кибрай ТБ бошлиги

Оператор номидан:

QIBRAY  
TELEKOMMUNIKATSIALARI  
DIREKSIYASI



Ж.М. Собиров

**АБОНЕНТ:**  
“ 28-сон БМСМ. ”

Абонент номидан:

Рахимов

Ф. Тохтаев





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240**№ **004060**

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

**"O'ZBEKTELEKOM"**

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

*Ochiq aksiyadorlik jamiyat**Aksiyadorlik kompaniyasi*

Mulkchilik shakli:

*Aksiyadorlar*

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

*A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY*

Yuridik shaxs kodи:

Asosiy faoliyat turi:

*Elektr va radio aloqasi*

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar:

*AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI**1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN*

Vakolatli organ boshlig'i:

*S.M.Tairshikov*



LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005717

Litsenziya turi  
Вид лицензии

Типовая

Berilgan sana  
Дата выдачи

03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati:  
Срок действия лицензии:

03.11.2015г.

dan  
по

03.11.2030г.

gacha

Litsenziatning nomi:  
Наименование Лицензиата:

Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»

г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001

Litsenziatning manzili va bank rekвизitlari в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731  
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:  
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей  
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи



ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ  
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

Rahbarning imzosi:  
Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati:  
Срок действия лицензии продлен: с

dan  
по

gacha uzaytirildi

М.О.  
М.П.

Rahbarning imzosi:  
Подпись руководителя:



Litsenziyaning amal qilish muddati:  
Срок действия лицензии продлен: с

dan  
по

gacha uzaytirildi

М.О.  
М.П.

Rahbarning imzosi:  
Подпись руководителя:

(Illova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)  
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435